O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА ГОРОДА ТАШКЕНТА

№ 475 20 20 yil « 26 » май

"Давлат ва хусусий уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган уй-жойни туман ҳокимликларига ўтказаётган фуқаролар ва мулкдорларга ер участкалари ажратиш тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги "Ер участкалари бериш ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқукини реализация қилишнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 63-сонли (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек уй-жойлари бузилишга тушган фуқароларга етказилган зарарни қоплаш мақсадида, Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг мурожаат хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. "Давлат ва хусусий уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган уй-жойни туман ҳокимликларига ўтказаётган фуқаролар ва мулкдорларга ер участкалари ажратиш тўғрисида"ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Муниципал активларни бошқариш маркази" давлат унитар корхонаси (М.Абдурахмонов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ғ.Расулов), Қурилиш бош бошқармаси (Б.Халматов), туман ҳокимликлари:

"Давлат ва хусусий уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган уй-жойни туман ҳокимликларига ўтказаётган фуқаролар ва мулкдорларга ер участкалари ажратиш тўғрисида"ги Низом асосида белгиланган ишлар ташкил этилсин;

ўзларининг идоравий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

TOSHKENT SHAHAR HOKIMI MAHKAMASI

3. “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари таҳририяти (А.Акромов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (П.Халиулин):

мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Хидоятов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими **Ж.Артикходжаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMI MAHKAMASI
QAROR VA FARMOYISHLAR UCHUN

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2020 йил "26" май даги
"775"-сонли қарорига
илова

Давлат ва хусусий уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган уй-жойни туман ҳокимликларига ўтказаётган фуқаролар ва мулкдорларга ер участкалари ажратиш тўғрисида
НИЗОМ

I. Умумий қоидалар.

1. Мазкур "Давлат ва хусусий уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган уй-жойни туман ҳокимликларига ўтказаётган фуқаролар ва мулкдорларга ер участкалари ажратиш ҳақидаги низом" (кейинги ўринларда – Низом деб аталади) Ўзбекистон Республикаси "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сонли қарори билан тасдиқланган "Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқукини реализация қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

II. Асосий тушунчалар.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

уй-жойни топширувчи – давлат томонидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдонига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ер участкаси ажратиб берилиши эвазига, кўп қаватли уйда жойлашган, яшаш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқаро.

ер участкаси - ер фондининг қатъий белгиланган чегара, майдон, жойлашув жойи, ҳуқуқий режимга ва давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа тавсифларга эга қисми (Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарорлари билан якка тартибда турар-жой бинолари қурилиши учун ажратилган ер майдони).

III. Давлат ва хусусий уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган уй-жойни туман ҳокимликларига ўтказаётган фуқаролар ва мулкдорларга ер участкаларини ажратиш ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа ишларни амалга ошириш тартиби.

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

3. Зарур ҳолларда Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали якка тартибда уй-жой қуриш учун мавжуд бўш ер участкалари тўғрисида ахборот нашр этиб борилади.

4. Уй-жойни топшириш эвазига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси олмоқчи бўлган фуқаро Тошкент шаҳар ҳокимлигига ариза билан мурожаат этадилар. Аризага фуқаролик паспорти, топширилиши режалаштирилган уй-жойга нисбатан ҳуқуқни белгиловчи юридик ҳужжат нусҳалари, шунингдек уй-жой топширувчининг турмуш ўртоғи, вояга етган фарзандлари ва бошқа шахсларнинг (топширилаётган уй-жойда доимий рўйхатда турган тақдирда) розилиги, паспорт ва никоҳни қайд этиш далолатномаси нусҳалари илова қилинади.

Топширилаётган уй-жойнинг коммунал тўлов ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги шарт.

5. "Уй-жой топширувчи" томонидан топширилиши режалаштирилган квартира Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Муниципал активларни бошқариш маркази" давлат унитар корхонасининг розилиги асосида туман ҳокимликлари томонидан қабул қилинади.

6. Топширилаётган уй-жой бўйича бегоналаштириш ёки хусусийлаштириш (олди-сотди, ҳадя, мерос қабул қилиш ва бошқалар) тўғрисидаги нотариал хатти-характлар амалга оширилганлигига бир ойдан ошиқ муддат ўтган бўлса, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси электрон тизим орқали топширилаётган уй-жойга такиқ мавжуд ёки йўқлиги, шунингдек, тегишли коммунал ташкилотлардан ушбу уй-жойнинг коммунал тўловлар бўйича маълумотларни сўраб олади ва қарздорлик мавжуд бўлганда тўловни амалга ошириш учун "Уй-жой топширувчи"га тақдим этади.

7. "Уй-жой топширувчи"га ер участкаси ажратиб бериш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқишда, Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарорлари билан якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган массивлар бўйича Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган якка тартибдаги уй-жойларни жойлаштириш лойиҳасидан келиб чиққан ҳолда, квартиранинг хар 2 хонаси ҳисобига, битта якка тартибда уй-жой қуриш учун майдони 400 кв.м. бўлган ер участкаси, ҳамда бир хонаси ҳисобига эса майдони 400 кв.м.гача бўлган битта ер участкаси ажратиб берилади.

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MANKAMASI

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” давлат унитар корхонасининг розилиги асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси олмоқчи бўлган “Уй-жойни топширувчи”га Ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси томонидан мавжуд ер участкалари таклиф этилади.

9. “Уй-жойни топширувчи”га таклиф этилган ер участкалари маъқул келган тақдирда Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимининг “Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси тайёрланади.

10. Қарор лойиҳаси Қурилиш бош бошқармаси, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси “Муниципал активларни бошқариш маркази” давлат унитар корхонаси, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Юридик бошкармаси ҳамда Ташкилий назорат ва тахлил бошқармаси билан келишилади.

11. Тошкент шаҳар ҳокимининг “Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш тўғрисида”ги қарори лойиҳасида “Муниципал активларни бошқариш маркази” давлат унитар корхонасига топширилаётган уй-жойни ўрнатилган тартибда қабул қилиб олиш ва тақсимлаш учун тегишли туман ҳокимликларига топшириш вазифаси ҳамда туман ҳокимликларига топширилаётган уй-жойларни хусусий уй-жойлар рўйхатидан чиқарилиши ва маҳаллий ҳокимият тасарруфига олинишини ҳамда амалдаги қонунчилик асосида тақсимланишини таъминлаш вазифалари юклатилади.

12. Тошкент шаҳар ҳокимининг “Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинганидан сўнг, “Уй-жой топширувчи” ёки топширилган уй-жойда доимий рўйхатда бўлган фуқаролар бир ой муддатда рўйхатдан чиқиши устидан назоратни Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни рўйхатга олиш туман бўлимлари амалга оширади.

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI